

# **КЕЛАЖАК ҚАНОТЛАРИ**



**«НАМАНГАН» нашриёти  
2007**

84(55)6-5

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишиланади.

*Хурматли ўқувчи! Кўлингиздаги мазкур шеърий гулдаста ўйлаймизки, китоб жавонингиздан муносаб ўрин олади.*


*Бу шеърий тўплам Поп туманидаги ёш ижодкорлар машқларидан жамланди. Улар ўзларининг назм намуналарида она-юрт севгиси, эзгулик, меҳр ва садоқат каби хислатларни улуглайдилар. Энг муқаддас туйгуларини қогозга туширишига, шеър қилишига интиладилар.*

*Уларни ўқиб, баҳо бериш гали сизга, азиз ўқувчи!*

### ТУЗУВЧИЛАР

М.ЖЎРАЕВА, «Камолот» ёшлиар ижтимоий ҳаракати Поп туман бўлимни Кенгаши раиси.

С.ҒОЙИПОВА, Шу Кенгаши қошидаги «Ёшижодкор



лар» клуби раҳбари.

НД 33564  
0

661 - 1523,71 - 134200  
НГ----- 2007  
662 - 1,0 - (08) - 07

© «Наманган» нашриёти.

## ОМОН ҚАЙТИНГ!

Эзгуликдан белбог бөглаб белшигизга,  
Содиқ фарзаңд бүлай дебсиз элишгизга,  
Хайдаб солинг юртимиздан нокасларни,  
Сергак туринг, қурул олиб қўлингизга.  
Сизлар борсиз, бизлар тинчмиз, юртимиз тинч,  
Ватанинг сотманг асло, сиздан ўтич.  
Булғанмасин, ўзбек деган зарли замин.  
Калбингизни тарк этмасин шодлик, севинч.  
Кора ияят галамисга ҳушёр бўлинг.  
Эркак деган гурурипгиз сақлаб юринг.  
Ҳавас қилинг, онасининг Барчинлари,  
Парвоз қилинг, ўзбегимининг лочинлари,  
Аскар иоми йигитлариниг мардига хос.  
Ватан учун куйиб ёнса тонгай эъзоз.  
Ҳеч кимдан кам эмас ўзбек, кам бўлмагай,  
Юртбошидан ўриак олса қудрати мос.  
Онажонлар ўглинигиздан торманг ташвиш,  
Ой-юлдузлар унга алла айтиб турад.  
Элини деб, юртими деб қилса бир иш  
Яратганим чинорлардай умр берар  
Билакларга мадор бўлсан ушбу байтим  
Расо, алндеқ бўйшигизни кўрган пайтим.  
Амур Темур руҳларига дуо айтинг,  
Жигарларим ой борингу, омон қайтинг,  
Бугун сизга таъзимдадир миллатингиз,  
Алномишу Фарҳодга хос савлатингиз,  
Келажаги чиндан буюк давлатингиз,  
Мақтоловларга тўлсан шону-шавкатингиз.

## ДҮНЁГА НАЗАР

Беш күнлик дүнёни яшиатмоқ учун,  
Гуркиратмоқ учун, безатмоқ учун,  
Элимда, уйимда бўлсин десанг тўй,  
Тангрига ёққулик ишлар қилиб қўй.  
Ўтсиз гулханларда ёнимаган дўстим,  
Фанимлар қўлини олмаган дўстим,  
Кавми-қариндошдан тонмаган дўстим,  
Тангрига ёққулик ишлар қилиб қўй.  
Тангрининг адолат тарозиси бор,  
Гуноҳинг кўп бўлса, бўладурсан хор,  
Жаннат мевасига бўлмай десанг зор,  
Тангрига ёққулик ишлар қилиб қўй.  
Хар хил бойликларга бўлмагин мойил  
Сўз ўгриси бўлма, бўлсанг чин шоир.  
Қўрганлар лол бўлсин, қолсинлар қойил,  
Тангрига ёққулик ишлар қилиб қўй.  
Омонат дунёда ноҳақсан, ҳақсан,  
Кимдандир қарздорсан, кимгадир нақсан,  
Гўзал гулчамбарни бошингга тақ, сан!  
Тангрига ёққулик ишлар қилиб қўй.  
Игвогар сўзини қилма писандада,  
Саломни, меҳрни қилмагин кандада,  
Бахтили мўъжизалар берсин десанг рўй  
Тангрига ёққулик ишлар қилиб қўй.

## ЎҚИТУВЧИ

Парталар оралаб ўтади умри,  
Ўчириб, қоралаб ўтади умри,  
Багрини поралаб ўтади умри,  
Ўзга ҳаёти йўқ ўқитувчининг.

Д. Кўчкорова.

*Йўлимни мунаввар этган бу ойлар,  
Илм-маърифатли билимга бойлар,  
Маджини куилагай шарқироқ сойлар  
Ўзга ҳаёти ийқ, ўқитувчининг.*

*Таърифига оздир қўшиқ, баётлар  
Комилликка томон қамчилар отлар,  
Ўтдан кириб ўтдан чиқар бу зотлар  
Ўзга ҳаёти ийқ ўқитувчининг.*

*Юракка кўчирап юракларини,  
Меҳнатдан аямас билакларини,  
Ё, Тангрим сен бергун тилакларини  
Ўзга ҳаёти ийқ, ўқитувчининг.*

*Буюклар таъзимда, сизга қойилман,  
Хамон билим, меҳрингизга мойилман.  
Йўлингиздан борар шогирд шоирман,  
Ўзга ҳаёти ийқ, ўқитувчининг.*

*Нур, зиё ёгишур юзингиздан,  
Гул-чечаклар унгай изингиздан.  
Дилим шоддир нурмашно ҳар сўзингиздан,  
Ўзга ҳаёти ийқ ўқитувчининг.*

Севара ФОЙИПОВА,  
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати  
Поп туман бўлими Кенгаши қошидаги «Ёш  
ижодкорлар» клуби раҳбари.

## ЎЗБЕКИСТОНИМ

*Багри кенг юрт, жаниннатмаконим,  
Боболар ватани, азим диёrim,  
Тупроги бебаҳо гўзал бустоним,  
Алломалар юрти Ўзбекистоним.*

*Багрингда яшайди турли миллатлар,  
Қалбингда жўш урад оппоқ ниятлар,  
Канча таърифламай, камдир сийратлар,  
Муқаддас заминим, жаниннатмаконим.*

*Қизлари юзида иффат пардаси,  
Ўглонларнинг мингга етар зарбаси.  
Олтин-кумушилардан маржон шодаси,  
Таърифи куйларга илҳом достони.*

## ГУНОХИМ НИМА?

*Дунёнинг кўп экан муаммолари,  
Тугамас экан-да сира камлари,  
Юрагимни қийнап қайгу, гамлари,  
Айтинг, мени гуноҳим нима?*

*Келади инсонлар ҳаётга бир бор,  
Қалбида яшайди орзу баркамол,  
Севганим... Севганим фақат битта ёр,  
Айтинг, жоним, гуноҳим нима?*

*Айтинглар-чи менга севиш гуноҳми?  
Ёки юракларим ҳиссиз гумроҳми?  
Тақдир йўларим-чи туби йўқ, чоҳми?  
Айтинг, дўстлар, гуноҳим нима?*

## СИНФДОШЛАРИМ

Эсладим, гулларга тұлған бөгларим,  
Хаёлимдан кетмас мактаб чөгларим,  
Илк бора ғам билан чеккан, оұларим,  
Хеч ёдимдан чиқмас синфдошларим.

Юрагдик бегаму бенарво бұлиб,  
Ешиликнинг бегубор завқини суріб,  
Юраклар орзуга лим-мо - лим тұлиб,  
Хеч ёдимдан чиқмас синфдошларим.

Бизларни айырди сүнгги құнғироқ,  
Колаверди ортимиздан жим фироқ.  
Бахтишинг уйларига ёқсак-да чироқ,  
Хеч ёдимдан чиқмас синфдошларим.

Ливар ЙҮЛДОШЕВ,  
10 - үрта мактабининг  
10-синф ўқывчеси.

## ОНАМНИ АСРА, ХУДО

Бешигим устида парвона бұлғап,  
Түшлар бедор бұлиб оввора бұлғап,  
Сенинг жамолиншыңға ҳайронға бұлғап,  
Менинг онамни ҳам асрагин, худо.

Сен менни асадашың үт-балолардан,  
Йұлымда учрагап күп хатолардан,  
Дилни ағзор қылғап дил яролардан,  
Энди онамни ҳам асрагин, худо.

Үзга аёллардан онам каммиди?  
Дунёда күрганни қайғу ғаммиди?

*Юзлари кулару, күзи нам эди,  
Менинг онамни ҳам асрагин, худо.*

*Сени ўзгаларга алишмам, онам,  
Билмайин ранжитсам юрагим пора.  
Үтпинчимга раҳминг келсин бир бора,  
Менинг онамни ҳам асрагин, худо.*

## **КҮНГЛИ ЯРИМ ТЕНГДОШЛАРИМ**

*Ғамгин маңыс күзларини жавдиратиб,  
Меҳрға зор күзларидан ёшлар оқиб,  
Мургак қалбларига гам тошлари ботиб,  
Меҳрибонлик уйидаги тенгдошларим.  
Дарвозадан олисларга боқиб турар,  
Доим согинч, армон билан бирга юрар,  
Юраклари гам - андуҳларга тўлар,  
Меҳрибонлик уйидаги тенгдошларим.*

## **УЯЛИШИНГ ТЕГДИ ЖОНИМГА**

*Азоб бериб, ташна қилдинг қонимга,  
Уялишинг тегиб кетди жонимга,  
Кўнгил бериб қўйдим сендеқ золимга,  
Ростин айтгин, келасанми ёнимга?  
Мендан қўрқма, ёнаману сўнаман,  
Каналакдек япрогингга қўнаман,  
Сени кўриб нима бўлсам бўламан,  
Ростин айтгин келасанми ёнимга?  
Энди ҳеч ким ачинмайди ҳолингга,  
Шукур қилиб ўтирумайман борингга,  
Мени кутма, боролмайман ёнингга,  
Келмайсанми-келасанми ёнимга?*

**Мушаррам ТЎРАЕВА,**  
**7-мактабнинг 9 - синиф ўқувчиси.**

## **ЗУЛФИЯХОНИМГА ЎХШАГИМ КЕЛСА...**

*Сиймоси акс этар ҳар бир шеъриимда  
Мисралардан боқар унинг кўзлари,  
Такрорланиб турар ўзбек элида  
Зулфиянинг ўчмас буюк излари.*

*Мен ҳам Зулфияга ўхшагим келса,  
Муборак қадамим босаман тақрор.  
Номини мадҳ этиб куйласам қанча,  
Шу қадар бўларди исми улугвор.*

*Адабиёт мулкига мерос қолдирдинг  
Увайсий нутқини жойладинг қалбга.  
Юрагимни қийнар ағсус ўйқлигинг  
Нима қилай сенга ўхшагим келса...*

### **ВАТАНИМ, СЕН УЧУН НИМА ҚИЛДИМ МЕН?**

*Боғларингни кездим, шаббоданг сездим,  
Майин майсаларга бағримни қўйдим.  
Тупрогинг исини ўшандা туйдим  
Ватаним, сен учун нима қилдим мен?!*

*Саратон куйдирса соябон бўлдинг,  
Йиқилган чогимда суюдинг, суйдинг.  
Доимо ёнма-ён сен ўзинг турдинг,  
Ватаним, сен учун нима қилдим мен?!*

*Остонангни тавоф қылсам-да камдир,  
Мадхиннга шеърларим битсамда камдир,  
Жонимни фидолар айласам камдир,  
Ватаним, сен учун нима қилдим мен?!*

Гулшода ЖУМАЕВА,  
35-мактабининг 9 - синиф ўкувчиси.

## УСТОЗЛАР

*Кўлимга илк бора  
Қалам тутқазган устоз!  
Жажжи қўлимиш ушлаб,  
Харфлар танитган устоз.  
Кўнглилизни тог каби  
Юксакларга кўтарган,  
Йўлимизга ой каби  
Машъалалар тўшаган,  
Пандингиз мудом ёдда  
Маёқ бизга ўгитлар.  
Васфингизни куйлайми:  
Шоир қизу йигитлар.  
Дунё тургунча туринг  
Сог булинг, омон булинг,  
Келажакнинг камолин  
Юз ёшда кўриб юринг.  
Фикри ёргуг устозлар  
Йули ёргуг устозлар.*

## ЎРИК БОҒИГА КЕЛ

*Дерлар ўрик юракнинг  
Куввати-ю дармони.*

*Хуш кўрганинг асал қанд,  
Тотмаганлар армонда,  
Кел, дўстим, бодимизга  
Ўриклардан татиб кўр  
Магзи билан есанг гар  
Маззаси бирам хушхўр.  
Буни эккан боболар  
Салқинида дам олар,  
Ўрикка кон бу боғлар  
Калбингга илҳом солар.*

### **ДЎСТ ТОП**

*Дўстни қандай топай, билмайман,  
Дўстни яхши-ёмон демайман,  
Ҳар кимларга қўлим бермайман  
Ўзим кимга дўстман билмайман.*

*Дўстсиз бошим-тузсиз ошим,  
Ўгитларга мурожаат қилдим.  
Дунё дўст-ла қизиқ эканин,  
Ўз - ўзимча фикрлаб билдим.  
Дўстнинг чинми, сохта эканин,  
Элагидан ўтганлар билар,  
Шоду гамга елкадош бўлса,  
Яратганга шукрлар қиласр.*

*Бу борада алданманг асло  
Нокасларга қўл бериб қўйманг,  
Дуст топ, деди, деб Дишодани  
Маломатга қолдириб юрманг.*

**Дилшода ЮСУПОВА,**

**40-ўрта мактабнинг 9 - синиф ўкувчиси.**

## **ВАТАНГА ХИЗМАТ**

*Ватан учун бел бөгладим  
Аъло ўқиб ишилашга.  
Донгинг дунёга ёйиб  
Юракларинг хушлашга.  
Байтлар битдим номига  
Онамга қиёс айлаб.  
Лойиқ бўлай шонинга  
Фарзандлик бурчин оқлаб.*

## **О Н А**

*Онажоним, менга боқиб турган кўзингиздан айланай,  
Кечалари алла айтган овозингиздан айланай.  
Бу кун сизни байрамингиз муборакбод этайин,  
Бахтиимга омон бўлинг, борлигингииздан ўргилай.*

## **ОНАЖОН**

*Онаジョン, ягонам, буюксан ўзинг,  
Аллада таралган сеҳрли сўзинг.  
Кўзимдаги ёшини артиб рўмолинг,  
Меҳрибонлигингдан - гўзал жамолинг.  
Изларингдан анқир жаннатлар иси,  
Кафтингда-чи мудом баҳор нафаси.  
Меҳр тўла кўзингда кулгайдир офтоб,  
Қалб қўринг покиза, мисли моҳитоб.  
Фарзандларинг камолин тилагувчисан,  
Умрини худодан сўрагувчисан.  
Шод куним, қувончим кўргин илоҳим  
Умрингга барака берсин худойим.*

**Одина ТУРСУНБОЕВА,  
1-мактаб ўкувчиси.**

## ЎЗБЕКНИНГ БОЛАЛАРИ

*Хумо қуши қўниб турар бошида,  
Оналари алла айтар қошида.  
Тош чиқмасин у пиширган ошида,  
Дунё кўрсинг ўзбекнинг болалари.*

*Юртимизнинг тинчлигидир баҳтимиз,  
Буюк фарзанд бўлмоқликдир аҳдимиз.  
Олга қадамлардан эрур шаҳдимиз,  
Дунё кўрсинг ўзбекнинг болалари.*

*Кўз тегмасин ҳеч бир зарраларига,  
Етсин мудом мақсад мэрраларига.  
Тумор бўлай онам аллаларига,  
Дунё кўрсинг ўзбекнинг болалари.*

## ТАБИАТ

*Кандай гўзал сўлим жой,  
Кундан-кун очар чирой.  
Ҳали тогда баҳорой,  
Оқар зилол жўшқин сой.  
Зилол сув танга даво,  
Алла айтар хушҳаво.  
Кайга бормайин гулзор,  
Баҳор таровати бор.  
Таърифи йўқ сўлим жой,  
Сувларида кўрдим ой.*

## САХИЙ КУЗ САХОВАТИ

*Асал новвот меваларинг,  
Сахий кузим олтин куз.  
Узум анор хурмоларинг,  
Богим күрки рисқу рўз.*

*Дастурхонлар тўқинидир-эй,  
Сахийлигинг дастидан.  
Куёш кулар жилмайибон,  
Булутларнинг остидан.*

*Сен-ла бобо дехқонимтинг,  
«Оқ олтин» хирмонлари.  
Сен-ла бобо дехқонимнинг,  
Куч, қувват, дармонлари.*

Зиёда ЭРГАШЕВА,  
40-ўрта мактабнинг 9-синф ўкувчиси.



# МУНДАРИЖА

Омон қайтинг!	3
Дунёга назар	4
Үқитувчи	4
Ўзбекистоним	6
Гуноҳим нима?	7
Синфдошларим	7
Онамни асра, Худо	8
Кўнгли ярим тенгдошларим	8
Уялишинг тегдижонимга	8
Зулфияхонимга ўхшагим келса...	9
Ватаним, сен учун нима қилдим мен?	9
Устозлар	10
Ўрик боғига кел	10
Дўст топ	11
Ватанга хизмат	12
Она	12
Онажон	12
Ўзбекнинг болалари	13
Табиат	13
Сахий куз саховати	14

*Ушбу китоб «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати  
Пол туман бўлими кенгаши ҳомийлигида чоп этилди.*

# КЕЛАЖАК ҚАНОТЛАРИ

Мұхаррир:  
Tex. мұхаррир:  
Сақыфаловчи:  
Мусаххих:

**М. АКМАЛОВ  
Ғ. МУЛЛАБОЕВ  
И. ТОШХОЖАЕВ  
С. ЯХЁЕВ**



Теришга 25.07.2007 йил берилди. Босишига 07.08.2007 йил рухсат этилди.  
Газета қоғозига оғсет усулида босилди. Бичими 60x84. 1/16. Ҳажми 1,0  
босма табоқ. Адади 500 нұсха. Бюортма № 424. Бақоси келишилган нархда.

**«Наманган»** нашриеті. Наманган ш. Навоий күчаси, Матбуот уйи, 3-қават.  
**«Чуст босмахонасия»** МЧЖ. Чуст шаҳри, Сўғизода кўчаси, 8-уй.